


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ҲУЗУРИДАГИ АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МОНИТОРИНГИ ИНСТИТУТИ

---

**О. Соатов, Р. Ҳакимов**

## **САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ**



ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2009

66.3(5Ў)68  
X20

Сиёсат. Сайдов  
Кошнанинчары

Таҳрир ҳайъати:


М.Э. Абдусаломов, Ш.Х. Файзиев, А.Х. Сайдов,  
М.Х. Рустамбоев, М.Ш. Усмонов, А.Б. Тошев

10 36243  
091

Мазкур рисолада давлат ҳокимиияти вакиллик органларига сайловнинг муҳим босқичи бўймиш сайловолди ташвиқотининг ўрни ва аҳамияти, ҳуқуқий асослари, ташвиқотни ўтказишнинг асосий қоида ва талаблари, бу борадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ҳамда илғор хорижий давлатларнинг тажрибаси баён этилган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг сайловолди ташвиқотига оид қоида-талабларининг мазмун-моҳияти ёритиб берилган.

Рисола депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, сайловчилар, сайлов комиссияларининг аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, кузатувчилар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-01-489-3



## **КИРИШ**

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқи бўлмиш сайлов ҳуқуқини эркин амалга оширишларини таъминловчи мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва принципларига тўла мувофиқ равишда шаклланиб, такомиллашиб бормоқда.

Сайловлар — кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишларининг асосий шаклидир. Демократик сайлов тизими орқали фуқаролар ўзлари муносаб деб билган шахсларни ҳокимият органларига сайлайдилар, уларга нисбатан ўз муносабатларини билдирадилар ҳамда давлат бошқарувини амалга оширишда иштирок этадилар.

Маълумки, сайлов жараёнининг энг муҳим ва масъулиятили босқичларидан бири — бу сайловолди ташвиқоти саналади. Чунки, айнан ушбу босқичда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловчиларни ўзларининг келгуси фаолият дастурлари билан таништирадилар ҳамда ушбу жараённинг нечоғлик фаол ва самарали ташкил этилганлигидан келиб чиқиб тегишли овозларга эга бўладилар. Шу маънода, сайлов жараёни иштирокчиларининг, айниқса, депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти борасида қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлишлари муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур рисола сайлов жараёни иштирокчиларини сайловолди ташвиқотига оид қонун ҳужжатларининг қоида ва талаблари билан яқиндан таништириш мақсадини кўзлаган бўлиб, унда сайловолди

ташвиқотининг ўрни ва аҳамияти, ҳуқуқий асослари, сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг асосий қоида ва талаблари, бу борадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ҳамда илгор хорижий давлатларнинг тажрибаси оммабоп тарзда баён этилган. Ушбу рисола кенг жамоатчилик учун амалий қўлланма сифатида хизмат қиласи, деган умиддамиз.

## **САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

Сайлов жараёни сайлов кампаниясини эълон қилиш, сайлов комиссияларини тузиш, номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш, сайловга тайёргарлик кўриш, сайловни ўтказиш ва натижаларини эълон қилиш билан боғлиқ бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, бунда сайловолди ташвиқоти муҳим ўрин тутади.

Сайловолди ташвиқоти: биринчидан, номзодларнинг шахси, билими ва салоҳиятини сайловчилар олдидаги тўла намоён қилишга, иккинчидан, сайловчиларни номзодлар дастурларининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти ва келгусидаги режалари билан яқиндан таниширишга, учинчидан, сайловчиларни номзод учун овоз беришга ишонтиришга қаратилган муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча демократик давлатларда, шу жумладан мамлакатимизда ҳам, сайловлар жараёнида сайловолди ташвиқоти босқичига алоҳида эътибор берилади.

Сайловолди ташвиқотининг мақсади — сайловда иштирок этувчи номзоднинг билим-салоҳияти, ҳокимиятга бўлган интилиши ва бу борадаги ҳаракат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш орқали сайловчиларнинг ишончини қозониш ва маълум бир номзодга овоз беришга даъват этишдан иборатдир. Шуни таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти номзодлар ва сиёсий партиялар учун ўз имкониятларини намоён қилиш йўлидаги ўзига хос сиёсий майдон бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигининг асосий вазифаси сиёсий курашнинг адолатли, холисона, очиқ ва ошкора олиб борилиши учун барча номзодларга тенг имконият ва кафолатларни яратиш орқали сиёсий плюрализм, яъни фикрлар эркинлиги ва хилмачиллиги асосидаги соғлом рақобатни таъминлашдан иборатдир.

Сайловолди ташвиқоти сайлов жараёни қатнашчилари учун муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, унда депутатликка номзодларнинг фаоллиги ортади, чунки фаол қатнашиш ёки қатнашмаслик номзодлар ва сиёсий партиялар учун сайловда қатнашишдаги энг асосий масала бўлиб, бу голиб чиқиш ёки мағлубиятга учраш каби оқибатларга олиб келади. Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партиялар учун ўзига хос синов ҳисобланади. Сайловолди ташвиқотининг қандай ўтказилиши сиёсий партия электорати сонининг кўпайиши ёки камайишига, унинг мавқеининг кўтарилиши ёки тушиб кетишига олиб келиши мумкин. Сайлов якунлари сайловолди ташвиқотининг қандай ўтказилганлигига боғлиқ бўлишини ҳисобга олсан, ушбу жараён орқали сиёсий партия ўз дастурининг йўналишлари, сайловда қатнашиш стратегияси ва тактикасига тегишли ўзгаришларни киритиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция»да қайд этилганидек, 2009 йил декабрь ойидаги сайловлар сифат жиҳатидан янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтказилади<sup>1</sup>. Бўлажак сайловлар сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора юксалиб бораётган шароитда ва партиялараро соғлом рақобат руҳида ўтказилиши кутилмоқда. Бунга кейинги йилларда сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишдаги ролини кучайтиришга доир қатор ислоҳотларнинг амалга оширилганлиги, қолаверса, ана шу реал жараёnlарни ҳисобга олган ҳолда, сайлов қонунчилигига сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институтининг тугатилганлиги ижобий туртки бўлади. Эндиликда депутатликка номзодлар кўрсатиш хукуқига фақат сиёсий партиялар эга эканлиги ҳисобга олинса, ушбу ҳолат сиёсий партияларга сиёсий рақобат майдонида кенг имконият яратиб бериш билан бирга, уларнинг ўз электорати олдидаги маъсулиятини янада

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция. Т.: «Ўзбекистон», 2009. 15-бет.

ортишига хизмат қиласи. Шу боис, бўлажак сайловларда сиёсий партиялардан ўта фаоллик талаб этилади.

Сиёсий партиялар ва улар кўрсатган номзодларнинг сайловолди ташвиқоти дастури бутунги реал ҳолатдан келиб чиқиши, мавжуд ижтимоий-иқтисодий масалаларни муваффақиятли ечишнинг муқобил йўлларини таклиф эта олиши лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов қайд этганидек, «Ҳар қандай сиёсий партия сайлов натижасида муваффақиятга эришмоқчи бўлса, авваламбор олиб борилаётган сиёсатга, ҳаётимиизга танқидий кўз билан қараши, ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, керакли, вазмин мулоҳазалар, пухта ўйланган хуносалар билдириши керак. Уларни асослаш, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, миллий манфаатларимизга хизмат қиласиган тоғларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориши даркор»<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, «Ҳар бир партия ўз қиёфасига, жамиятнинг ўзи суюнадиган қатламлари манфаатларини ифода қилувчи аниқ дастурига эга бўлиши лозим. У, ҳозир таомилда бўлганидек, ўзининг маълум ва доимий сайловчиларига ҳам эга бўлиши лозим. Айни пайтда ҳар бир партия обрў-эътибор орттиришга интилиши, кўпроқ ишонч қозонишга, бинобарин, қонун чиқарувчи ва вакиллик органларида, кейинчалик эса ҳокимиятнинг ижрочи органларида ҳам кўпроқ ўрин олишга ҳаракат қилмоғи даркор. Халққа сайлов олди мавсумида эълон қилган дастурининг энг тўғри эканини, мамлакат интилаётган мақсад, фаровон ҳаётга айнан мана шу дастур орқали эришиш мумкинлигини исбот қилган ҳолда, уни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиши лозим»<sup>2</sup>.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун барча шарт-шароитлар таъминланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция»да белгиланганидек, «сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қoidalарини, уларда акс этган мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. —Т.: «Ўзбекистон», 1999. 312-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 207-бет.

социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш бўйича кенг ва тенг имкониятлар яратиласди»<sup>1</sup>.

Сиёсий партияларнинг сайловдаги муваффақиятини белгиловчи муҳим омиллардан бири — сайловолди ташвиқотини олиб боришининг тўғри усусларини танлай билишdir. Зеро, сиёсий партиялар ва улар кўрсатган номзодлар сайловолди ташвиқоти жараёнида сиёсий ўйинларга, ҳиссиятларга берилмасдан халқимиз менталитетига хос тарзда оғир, вазмин ҳаракат қилсалар, уларнинг электорат олдидағи обрўси ҳам шу қадар ортиши табиий. Акс ҳолда, қуруқ ваъдабозлик, манманлик билан олиб борилган ташвиқотлар орқали ҳеч бир сиёсий куч электорат, сайловчилар ишончини қозонолмайди.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция»да сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича энг муҳим талаб ва мақсадли вазифалардан бири сифатида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайлов қонунчилиги принциплари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда сайлов жараёнида сиёсий рақобатнинг маданиятли шаклларидан фойдаланишга кўмаклашишлари белгиланган. Бу масалада, Президентимиз И.А. Каримовнинг қуидаги фикрлари эътиборга моликдир: «Сайловлар одамларнинг маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, қабилачилик белгилари асосида ажralиб кетишига ҳам сабаб бўлмаслиги керак. Асоссиз равища бир-бирининг обрўини тўкиш, ҳақоратлаш, андишасизлик, ҳар хил бемаъни «ўйинлар» уюштириш сингари нохуш ҳолларга йўл қўйилмаслиги зарур.

Халқимизга хос вазминлик, сиполик, камтарлик фазилатлари инсонни улуғлайди. Минбарда туриб, тилга эрк бериб, ваколати бўлмасдан туриб халқ номидан гапиришга ҳеч кимнинг, ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция. Т.: «Ўзбекистон», 2009. 10-бет.

Депутат бўлишни истаган одам, аввало, ҳалол-поклиги, маънавий етуклиги, теран билими, қобилияти, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйиш каби хусусиятлари билангина сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлиши мумкин»<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сайлов жараёнида сайловолди ташвиқоти ниҳоятда муҳим ўрин тутадиган босқичдир. Ушбу тадбирнинг нечоғлик самарали ва фаол ташкил этилиб, ўтказилишига боғлиқ равишда ўёки бу сиёсий партияниң, депутатликка номзоднинг ғалабаси ёки мағлубияти ҳал бўлади. Шу билан бирга, сайловолди ташвиқотини ўтказишда холисона ёндашувни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимининг замонавий, самарали ва муқобил йўлларини кўрсата билиш, сайловчиларни унга ишонтира олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз навбатида, сайловолди ташвиқоти мобайнида ташвиқотнинг маданий усувларидан фойдаланиш, қонун талабларига қатъий риоя этиш, рақобатчи номзодларнинг шаъни, қадр-қўмматини хурмат қилиш талаб этилади.

## САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ ҳуқуқий асослар мустаҳкамланган бўлиб, улар мазкур тадбирнинг teng, адолатли, очиқ ва ошкора мезонлар асосида олиб борилишини тўла кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги ва бошқа қонунларида сайловолди ташвиқотини амалга оширишга доир қоида-талаблар мустаҳкамланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар, сиёсий партияларнинг сайлов кампанияси даврида

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 64-бет.

сайловолди ташвиқотини ўтказишида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низомда оммавий ахборот воситалари томонидан депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун тенг шароит яратиб беришнинг тартиби ва шакллари мустаҳкамланган.

Сайловолди ташвиқотига оид қоидаларни белгилашда «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мұхим ажамиятга эга. Ушбу Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни ёки ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаш ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишида тенг ҳуқуқ берилади.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 25-моддасига биноан сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан бошланади. Бу Қонунда ҳам депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишида тенг ҳуқуқ берилиши мустаҳкамланган.

2008 йилнинг 25 декабридан «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонуларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилингунига қадар сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан ташкил қилинарди. Эндиликда эса сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равища ўтказилиши белгиланди. Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка

номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналар ажратышлари, уларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатишлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувларнинг ўтказиладиган жойи ҳамда вақти ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади.

Сиёсий партияларга ўзларининг келгуси фаолият дастурлари билан чиқиши ҳуқуқи берилади, бу албатта, сайлов жараёнининг энг муҳим палласидир. Ҳар бир сиёсий партия ўз сайловолди платформасининг асосий йўналишларини, давлатни бошқариш ва мамлакатни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларини ривожлантириш режалари ҳамда истиқболлари акс этган дастурини сайловчиларга ва кенг жамоатчиликка ҳавола этади. Ташибиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади.

Сайлов куни ташибиқот юритишга йўл қўйилмайди. Яъни, сайлов куни сайлов участкалари ва уларнинг яқинида оғзаки ҳамда ёзма ташибиқот юритиш, у ёки бу номзодга овоз беришга чақирувчи плакатларни осиб қўйиш, турли хил буклетларни ва ўзида номзодлар ҳақидаги маълумотларни ифодаловчи ҳар қандай материалларни тарқатиш тақиқланади. Ушбу қоида овоз бериш жараёнинда сайловчининг ўз иродасини эркин ифодалашини таъминловчи муҳим кафолат бўлиб хизмат қилади. Депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиши, телевидение кўрсатувлари ва радио эшииттиришларида қатнашиш вақтида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилигимизга мувофиқ сайловолди ташибиқотини номзодлар номидан уларнинг ишончли вакиллари ҳам олиб боришлари мумкин. Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар эндиликда беш нафар эмас, балки ўн нафар ишончли вакилга эга бўлишлари мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташибиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлаш-

маларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиласидар.

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қиласиди. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг, сиёсий партияларнинг, депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишида амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатишга йўл қўйилмайди ва бундай қилмишни содир этган шахслар қонунга асосан жавобгарликка тортиладилар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 147-моддасига кўра фуқароларнинг сайловолди тарғиботи олиб бориш ҳуқуқларини, депутатликка номзод шахснинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишларига зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу ўринда, қонунчилигимизда белгиланган қоида-талаблар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига нечоғлик жавоб бериши ҳақидаги саволнинг юзага келиши табиийдир. Бу борада шуни қайд этиш керакки, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда сайловолди ташвиқотини олиб бориш билан боғлиқ бир қатор тамойил ва талаблар белгиланган бўлиб, улар ушбу ҳужжатларни ратификация қилган давлатлар учун мажбурий ҳисобланади ва сайловларнинг тенг, адолатли, очиқ ҳамда ошкора ўтказишни таъминлашга хизмат қиласиди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Европа Хавфсизлик ва

Ҳамкорлик ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген хужжати, Парламентлааро Иттифоқ Кенгаши қабул қилинган «Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида»ги Декларация ва бошқа бир қатор халқаро ҳукуқий ҳужжатларда сайловчилар, депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини юритишга бўлган ҳукуқлари кафолатлари назарда тутилган.

Парламентлааро Иттифоқ Кенгашининг 1994 йил 26 мартағи 154-сессиясида қабул қилинган «Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида»ги Декларацияда ҳар бир номзод ёки сиёсий партия сайловларда ўз сиёсий фоя-қараашларини ифодалашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятларга эга бўлиши лозимлиги ҳамда «давлат органлари томонидан сайлов кампаниясини давлат ва жамоат оммавий ахборот воситалари томонидан холисона ёритилиши учун зарур чораларни белгилаши лозимлиги қайд этилган. Бундан ташқари, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг 1990 йил 29 июндаги Копенгаген конференцияси хужжатида «Давлатлар сайлов кампанияларида партия ва номзодларнинг фоя-қараашларини эркин ифода этишлари ҳамда сайловчилар номзодларнинг сайловолди дастурлари билан эркин танишишлари, муҳокама қилишлари ва овоз беришлари учун қонун қабул қилишлари ва давлат сиёсатини юритишлари зарурлиги» каби талаблар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасида «бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида тузилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳукуқига эга» эканлиги, 15-моддасида эса «сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айrim номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишиш ҳукуқига эгадирлар» каби нормалар белгиланган. Унга кўра номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан сайловчиларга сиёсий партиялар ва номзодлар ҳақидаги ҳамда уларнинг сайловолди дастурлари ҳақидаги маълумотлар билан тўлиқ танишиш имконияти яратилади. Шунингдек, сайловга оид бошқа

қонун ҳужжатларида ҳам сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ қоидаталаблар мустаҳкамланган бўлиб, бу ушбу соҳадаги халқаро-хуқуқий ҳужжатларнинг тамойил ва стандартларига тўлиқ мос келишини кўрсатади.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ҳақида тўхталиб, шуни қайд этиш керакки, сайловолди ташвиқотини олиб бориш қоидаталаблари ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий тизими, тарихий тараққиёти ва ўзига хос бошқа хусусиятларига боғлиқ равишда турлича бўлиши мумкин. Бироқ, аксарият давлатларда бу борада ўхшаш қоидалар мавжуд. Жумладан, мамлакатимизда бўлганидек, Литва, Молдова, Арманистон каби бир қатор давлатларда сайловолди ташвиқоти номзодлар рўйхатга олинган вақтдан бошланади. Россия Федерациясида эса сиёсий партиялар номзодларининг рўйхати илгари сурилган пайтдан эътиборан сайловолди ташвиқоти юритишга йўл қўйилади. АҚШ, Италия, Франция, Россия, Украина ва бошқа давлатларда сайлов куни ташвиқот олиб боришга йўл қўйилмайди. Овоз бериш кунига 7 кун қолганида Францияда, 8 кун қолганида — Венгрияда, мамлакатимизда эса 5 кун қолганида жамоат фикри сўровлари натижалари, сайлов натижалари прогнозлари ва ўтказилётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотлар нашр этилмайди.

Россия Федерациясининг 2005 йил 18 майдаги «Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси депутатлигига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасига биноан Россия Федерацияси фуқаролари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари қонунда белгиланган шакл ва усусларда сайловолди ташвиқоти юритиш ҳуқуқига эгалар. Давлат фуқароларга, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига сайловолди ташвиқоти эркинлигини таъминлайди. Россия Федерацииси қонунчилигига сайловолди ташвиқотининг қуйидаги шакллари белгиланган: у ёки бу номзодни ёқлаб ёки унга қарши овоз беришга чақириш; у ёки бу сиёсий партия, депутатликка номзодга ўз хайриҳоҳлигини билдириш; ахборот тарқатиш; у ёки бу номзодни ёқлаб ёки унга қарши овоз беришга ундовчи фаолиятни амалга ошириш ва ҳоказо. Сайловолди ташвиқоти жараёнига сайлов куни 18 ёшга етмаган шахсларни жалб этиш ва улар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган. Россияда сайловолди ташвиқоти факат сиёсий партияларнинг сайлов фонди ҳисобидан молиялаштирилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Молдованинг 1997 йилдаги Сайлов кодекси 47-моддасига мувофиқ, Молдова фуқароларига, партиялар ва бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотларга, сайлов блоклари, номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларига у ёки бу номзодни ёқлаб ёки унга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқи кафолатланган. Бунда ташвиқотнинг жамоат тартибини ҳамда ахлоқ-одоб қоидаларини бузувчи шаклларидан фойдаланиш тақиқланган.

Арманистон Республикасининг 1999 йилдаги Сайлов кодексининг 18-моддасида фуқаролар томонидан эркин ташвиқот юритилиши, бу борада барча номзодларга тенг шароитлар таъминланиши, фуқаролар, партия блоклари ва жамоат ташкилотлари ташвиқотнинг қонунда таъқиқланмаган барча шаклларидан фойдаланиши, номзодларга ва сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиш кафолатланиши белгиланган. Айни пайтда, давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, судьялар, ички ишлар, прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати органлари ходимлари, хайрия ва диний ташкилотлар, чет эл фуқаролари ва хорижий ташкилотлар томонидан ташвиқот юритиш ман этилган.

Сайловолди ташвиқотини юритиш борасидаги сайлов қонунчилигимизнинг ўзига хос томони шундаки, бизда номзодларга ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини юритиш учун давлат бюджетидан маблағлар ажратилади. Уларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароитлар яратилади, тенг эфир вақти берилади. Айрим мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Польша ва бошқа давлатларда сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун давлат маблағлари ажратилиши кўзда тутилмаган. Греция, Истроил ва Францияда эса оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда эфир вақти сиёсий партияларнинг парламентдаги тутган ўрни ва ижтимоий фаоллигига қараб ажратилади. Яъни, кичик партияларга сайловолди ташвиқотини олиб борища кам эфир вақти ажратилиши белгиланган.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида эътиборга молик яна бир жиҳат шундаки, бизда сайловолди ташвиқоти жараённида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган. Яъни, номзодлар, сиёсий партиялар оммавий ахборот воситаларидан қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ ҳолда тенг фойдаланадилар. Бундан кўриниб турибдики, сайлов

қонунчилигимиз сайловолди ташвиқотини олиб боришда хорижий давлатлар қонунчилиги билан қиёс қилинганда бир қатор афзаликларга эга.

## **САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИНИ ҮТКАЗИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ КАФОЛАТЛАРИ**

Сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Шу боис, қонунчиликда бу борада сайлов жараёни иштирокчиларига, аникроғи, депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда бу масалада Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини үтказишида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом муҳим аҳамиятга эга. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни үтказиш бўйича Концепция»сига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини үтказишида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ оммавий ахборот воситалари деганда, оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидағи веб-сайтлар) олти ойда камиди бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли

ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари назарда тутилади.

Қонунчилигимизга мувофиқ депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг хукуқ берилади. Улар сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг шакли, услублари ва мазмунини мустақил белгилайдилар. Айни пайтда, сайловолди ташвиқотини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда суистеммолликларга йўл қўйилмаслиги қатый белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун тенг шароит яратадилар. Даврий матбуот нашрлари депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш билан боғлиқ чиқишлиари учун тенг миқдорда босма майдони, бир хил жой, бир хил шрифт ва бошқа шу каби шароитларни таъминлаб берадилар.

Оммавий ахборот воситалари ажратиладиган эфир вақти ва босма майдонини ҳисобга олиб боришлари ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тегишли ахборот тақдим қилишлари керак.

Давлат оммавий ахборот воситаларининг эфир вақти, босма майдони депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга бепул ажратилади. Ҳар бир давлат телевидениеси ва радиоэшиттириш ташкилоти томонидан депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга ажратиладиган бепул эфир вақтининг умумий миқдори ҳафтасига 40 дақиқани ташкил этади.

Қонунчиликка биноан давлат телевидениеси ва радиоэшиттиришларида ажратиладиган бепул эфир вақти прайм-тайм (энг кўп томошабинлар (tinglovchilar) йигиладиган) вақтга тўғри келиши керак. Бундай имкониятдан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар, сиёсий партиялар вакилларининг сиёсий дебатларини ўтказиш учун фойдаланиш мумкин. Чиқишиларнинг кетма-кетлиги, одатда, Марказий сайлов комиссияси томонидан қуръа ташлаш йўли билан ёки алифбо тартибида белгиланади.

Давлат даврий матбуот нашрлари томонидан ҳар ҳафтада депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун ажратиладиган энг кам босма майдони умумий ҳафталик босма майдонининг камида 10 фоизини ташкил қилиши керак. Давлат даврий матбуот

нашрлари томонидан бепул ажратиладиган босма майдони умумий миқдори рўйхатга олинган депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади. Депутатликка номзодлар рўйхатга олинганидан сўнг Марказий сайлов комиссияси қуръа ташлаш йўли билан ёки алифбо тартибида давлат даврий матбуот нашрларининг бепул тақдим этиладиган босма майдонини тақсимлайди ва сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари бепул эълон қилиниши муддатини белгилайди.

Депутатликка номзодларга маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ҳам белгиланган миқдор ва ҳажмда бепул чиқиш ҳукуқи берилган. Сайловолди ташвиқоти учун муайян депутатликка номзодга, сиёсий партияга ажратилган бепул эфир вақти ёки босма майдонидан бошқа депутатликка номзод, сиёсий партия фойдаланиши мумкин эмас, аммо номзоднинг ўз сиёсий партиясидан бошқа номзод учун ташвиқоти бундан мустасно.

Қонунчилигимизга кўра давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдони ажратилиши мумкин. Айни пайтда, ҳақ тўланадиган эфир вақти миқдори ёки босма майдонининг ҳажми сайловолди ташвиқоти учун бепул ажратилган эфир вақти ёки босма майдони миқдоридан ошмаслиги керак. Сайлов кампаниясида иштирок этадиган оммавий ахборот воситалари томонидан ажратиладиган эфир вақти, босма майдони учун ҳақ тўлаш шартлари ва бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун тенг ва бир хил бўлиши лозим.

Сиёсий партиялардан депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ташвиқот тадбирлари олиб борганликлари учун пул маблағлари белгиланган тартибида сиёсий партияларга Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Эфир вақти ёки босма майдони берилганлиги учун оммавий ахборот воситаларига ҳақ тўлаш сиёсий партиянинг ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдони ажратиш билан боғлиқ муносабатлар оммавий ахборот воситалари маъмуриятлари билан тегишли сиёсий партиялар ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги керак. Телевидение ва радионинг ахборот дастурларида, даврий матбуот нашрларида сайловолди тадбирлари ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар алоҳида ахборот блоки билан берилиши ҳамда уларда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун ажратиладиган эфир вақти ва босма майдони ҳажми тенг бўлиши шарт.

Сайловолди ташвиқоти материаллари уларни тақдим қилган депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларнинг розилигисиз таҳрир қилиниши мумкин эмас. Сайловолди ташвиқоти материалларини эълон қиласидиган даврий матбуот нашрларининг таҳририятлари бирор-бир депутатликка номзодга, сиёсий партияга нашр тиражи ёки даврийлигини ўзgartириш йўли билан устунлик беришга ҳақли эмас (сиёсий партияларнинг нашрлари бундан мустасно). Башарти, оммавий ахборот воситасининг ходими депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган тақдирда у сайловчилар билан учрашувлар, сайловолди йиғилишларида, телевидение ва радиода чиқишлилар ўтказиш даврида сайлов ўтказишга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилади.

Оммавий ахборот воситаларининг таҳририятлари ишончли бўлмаган маълумотларни, шунингдек депутатликка номзодлар шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатишдан ўзларини тийишилари керак. Депутатликка номзод таҳририятдан оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ишончли бўлмаган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларга раддия берилишини талаб қилишга ҳақли. Мақола эълон қилиш натижасида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган депутатликка номзод мазкур оммавий ахборот воситасида раддия эълон қилишга ҳақли. Раддия ёки жавоб мазкур руҳи остида ёки жавоб пайдо бўлишига сабаб бўлган материал жойлашган ўша саҳифада эълон қилиниши зарур. Телевидение ёки радиоэшиттириш таҳририяти олган раддия ёки жавоб ўша дастур ёки кўрсатув (эшиттириш)лар туркумида эфирга узатилади.

Агар асосли ва одоб доирасидаги жавоб матнининг ҳажми ва узатиш вақти оммавий ахборот воситасининг фаолиятига путур етказмаса, уни таҳрир қилишга йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситаси раддия ёки жавобни эълон қиласа ёхуд эълон қилишнинг белгиланган муддатини бузса, депутатликка номзод судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли. Қонунчиликка мувофиқ сайлов кампанияси пайтида муассислари (кузатув кенгашлари ва бошқа органларнинг аъзолари) тегишлича сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари бўлган компаниялар, ташкилотларнинг хайрия фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилмайди. Сайловолди ташвиқотини хайрия фаолияти билан бирга кўшиб олиб боришга ҳам йўл қўйилмайди.

Юқорида қайд этилган Низомга риоя этилиши устидан назорат қилиш тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари зиммасига юклатилган.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёнида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши борасида хорижий давлатларда ҳам ўзига хос ҳуқуқий амалиёт шаклланган. Хусусан, Россия Федерациясининг 2005 йил 18 майдаги «Россия Федерацииси Федерал Мажлиси Давлат Думаси депутатлигига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 57-моддасига биноан сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти юритиш учун телерадиоканаллар ва босма нашрларда бепул эфир вақти ва босма майдони ажратилиши мустаҳкамланган. Айни пайтда, башарти, сиёсий партия аввал ўтказилган сайловларда давлат телерадиокомпаниялари ёки босма нашрлари олдида қарздор бўлиб қолган бўлса, уларга бундай имконият берилмаслиги қонунда белгилаб қўйилган.

Молдованинг 1997 йилдаги Сайлов кодекси 47-моддасида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёнида давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган. Шу билан бирга, Молдова Республикаси ҳудудида фаолият юритувчи чет эл оммавий ахборот воситалари, шунингдек, кўшма корхоналар томонидан ташкил этилган оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш қатъиян таъқиқланган. Латвияда бошқа мамлакатлардан фарқли равища сайловолди ташвиқоти тўғрисида алоҳида қонун қабул қилинган. Бу 1995 йилдаги «Сеймга сайловлар олдидан сайловолди ташвиқоти тўғрисида»ги Қонун бўлиб,

унда сайловолди ташвиқотини юритиш тартиби, бунда телевидение, радио ва босма нашрлардан фойдаланиш кафолатлари белгиланган. Жумладан, ушбу Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ телекомпаниялар башарти бир номзодга эфир вақти ажратган бўлсалар, бошқа номзодларга ҳам худди шу шартларда эфир вақти ажратишлари шарт эканлиги белгиланган.

Арманистон Республикасининг 1999 йилдаги Сайлов кодексининг 20-моддаси рўйхатга олинган номзодларга давлат телевидениеси ва радиосида бепул ва пулли асосларда сайловолди ташвиқотини амалга ошириш ҳуқуқини кафолатлайди. Бунда сайловолди ташвиқотининг оммавий баҳс, давра сухбати, пресс-конференция, интервью, сиёсий реклама ва қонун билан тақиқланмаган бошқа шаклларидан фойдаланиш мумкинлиги белгиланган.

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайловолди ташвиқотини ўтказиш билан боғлиқ етарли шарт-шароит ва имкониятлар белгиланган. Ушбу қоида-талаблар сайловолди ташвиқотини олиб бориш борасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларига мос келади. Номзодларга ва сиёсий партияларга сайловолди дастурларининг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, сайловчилар билан бевосита учрашувлар ўтказиш орқали таниширишда teng ҳуқуқлар яратилган. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар, номзодлар ва сиёсий партияларга ўз дастурларини кенг тарғиб қилиш имконини беради ҳамда сайловчиларга номзодлар орасидан ўзи учун муносабини танлашга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сайловга оид қонун ҳужжатларида белгиланган демократик тамойил ва талаблар доирасида миллый сайлов тизими шаклланди ва ушбу жараён мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар асосида ривожланиб бормоқда.

Мамлакатимизда сайловолди ташвиқоти юритишга оид қонун нормалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоида-талаблари, ривожланган демократик давлатларнинг бу борадаги илгор тажрибаси ва халқимизнинг миллый менталитетини инобатга олган ҳолда шакллантирилган бўлиб, фуқароларга давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали эркин ҳамда ихтиёрий иштирок этиш учун teng шароитларни кафолатлайди.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	3
Сайлов жараёнида сайловолди ташвиқотининг тутган ўрни ва аҳамияти .....	5
Сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг хуқуқий асослари .....	9
Сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш кафолатлари .....	16
Хулоса .....	22

66.3(5Ў)68

X20

**Ҳакимов, Раҳим Расулжонович.**

Сайловолди ташвиқоти / Р.Р. Ҳакимов; таҳрир ҳайъати М.Э. Абдусаломов [ва бошқ.]; Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти. — Тошкент.: Ўзбекистон, 2009. —24 б.

**ББК 66.3(5Ў)68**

**Ойбек Соатов  
Раҳим Расулжонович Ҳакимов**

**САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ**

Муҳаррир: С. Мирзааҳмедова

Бадиий муҳаррир: Ж. Одилов

Техник муҳаррир: У. Ким

Мусаҳҳих: Г. Азизова

Компьютерда саҳифаловчи: Г. Кулназарова

Босишига рухсат этилди 20.10.2009. Бичими 60×84 1/<sub>16</sub>.

Таймс гарнитурада оғсет усулида босилди. Шартли б.т. 1,39.

Нашр т. 1,20. 9000 нусхада чоп этилди.

Буюртма № 09-276.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**РАССЫЛКА**